МДҲ: НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ

29 апрель, Москва. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Москвага келди. Москва аэропортида давлатимиз раҳбарини Россия ҳукумати раисининг ўринбосари Рамазон Абдулатипов, Ўзбекистоннинг Россиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шомансур Шохалилов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Бугун эрталаб Ислом Каримов Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаковни қабул қилди. Мулоқот чоғида томонларни қизиқтирган масалалар, хусусан, МДҲ доирасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Кремлда МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгашининг ёпиқ мажлиси бўлди. Сўнг саммит қатнашчилари ва уларга ҳамроҳлик қилаётган расмий делегациялар вакиллари иштирокида ялпи мажлис бўлиб ўтди. Унда МДҲ доирасида имзоланган ҳужжатларнинг самарадорлигини ошириш, ҳамдўстлик фаолиятини барча аъзо давлатлар манфаати нуқтаи назаридан яхшилаш, хавфсизлик ва барқарорлик, шунингдек, иқтисодий интеграция масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султоновни МДҲ мамлакатлари ҳукумат раҳбарлари кенгашининг раиси этиб тайинлашга келишиб олинди. Россия Федерацияси хавфсизлик кенгаши котибининг собиқ ўринбосари Борис Березовский МДҲ ижроия кенгашининг раиси этиб тайинланди.

Шу билан МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги саммити ниҳоясига етди.

(ЎзА)

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 30 апрель куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Депутатлар 30 апрель куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Бу дунёнинг ишлари

БОШ КОТИБНИНГ САФАРИ

БМТ бош котиби Кофи Аннан Африканинг 8 мамлакати бўйлаб ўз сафарини бошлади. У расмий ташриф билан Эфиопия, Жибути, Кения, Танзания, Руанда, Бурунди, Уганда ва Эритреяга келади. Яқингинада Аннан хавфсизлик кенгашида маъруза қилиб, Африкадаги барқарорликни таъминлаш, бу ерга келаётган қурол оқимини тўхатиш, турли тўқнашувларга сабаб бўлаётган вазиятларни барқарорлаштириш йўллари ҳақида гапирди. У демократик тартибларни тезроқ жорий этишга даъват этди. Аннаннинг ушбу сафари унинг маърузада келтирган фикрларини тезроқ амалга ошириш имкониятини беради. Бош котиб Нью-Йоркка 11 май куни қайтиб келади.

РАСМИЙ МУЛОҚОТ КИМГА ЗАРУР?

Агар АҚШ Эронга нисбатан душманлик кайфиятидан воз кечмаса, у ҳолда биз Қўшма Штатлар билан расмий мулоқотга киришмаймиз, деди матбуот анжуманида Эрон ташқи ишлар вазири Камол Харрази. Вазирнинг айтишига кўра музокараларга биринчи навбатда Вашингтон муҳтож. Харразининг таъкидлашича Клинтон маъмуриятининг Эронга нисбатан муносабати кейинги пайтда анча ўзгарди. Буни Эрон Ислом Республикаси раҳбарлари тушуниб туришибди. Энди икки томонлама расмий мулоқотларга ҳам йўл очилса ажаб эмас.

МУЗОКАРАЛАР УМИД УЙҒОТМОҚДА

БМТ Хавфсизлик Кенгаши шимолий иттифоқ раҳбарлари билан толибонлар ўртасида Исломободда бошланган музокараларга катта умид боғламоқда. Бу ҳақда БМТ ҳузуридаги кенгашда раҳбарлик қилувчи япониялик Хисаси Овада журналистларга айтиб ўтди. Унинг сўзларига қараганда низони бартараф этиш учун энг муҳим муаммолар шу ерда ҳал қилинади. Бинобарин, охир-оқибатда Афғонистонда тинчлик ўрнатилишига хизмат қилади.

ИРОҚДА БАЙРАМ

Кеча Ироқда катта байрам нишонланди. Саддам Ҳусайннинг 61 ёшга тўлиши муносабати билан бутун миллат тантана қилди. Бундан бир неча кун аввал шаҳар ва қишлоқларда доно ва буюк раҳбарнинг туғилган куни кенг байрам қилинди. Баат ҳукмрон партиясининг фаоллари оч қолган ироқликларга шоколад, печенье ва турли мевалар тарқатишди. Лекин халқ фақат озиқ-овқат билан тирик эмас. Одамлар ажойиб раҳбар яратиб бергани учун Оллоҳ таолога ҳамду санолар айтишди. Саддам Ҳусайннинг умрини узоқ қилишини сўрашди. Саддам Ҳусайн 1979 йилда ҳокимият тепасига келган эди. Ўтган давр мобайнида халқ Эрон билан бўлган саккиз йиллик урушни ва Форс кўрфазидаги оғир жангларни бошидан кечирди. Мана етти йилдан бери БМТ томонидан жорий этилган иқтисодий қамал давом этмоқда. Бироқ шунга қарамай Саддам Ҳусайн ҳокимияти мустаҳкамланиб бормоқда. БМТнинг жазо чораларини узайтириш тўғрисидаги қарори ҳам ироқликларнинг қувончини барбод этолмади.

ПОЛИЦИЯ ШАЙ ҲОЛГА КЕЛДИ

Исроил давлати ташкил этилганлигининг 50 йиллиги байрами яқинлашаётган сари мамлакат полицияси тобора тайёргарликни кучайтирмоқда. Исроил Ички ишлар вазирлиги вакилларининг айтишига кўра ушбу байрам кунлари 25 мингдан зиёд полициячи ҳаракатга келади. Тартибни сақловчиларнинг бунчалик кўп бўлишига сабаб «Хамас» гуруҳининг ҳужумидан хавфсирашдир. Бундан ташқари Фаластин ҳудудидаги Исроилга қарши кучлар ҳужум қилиб қолиши ҳам мумкин эмиш. Тантана кунлари мамлакат хавфсизлиги вазирлигининг махсус бўлинмалари ҳам тартибни кузатиб туришади.

ХАВФЛИ МОДДАЛАР ГРУЗИЯДАН ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИЛДИ

Оқ уй матбуот котиби Майк Маккэрриннинг айтишига кўра, Грузиядаги ядро илмий марказидан беш килограммга яқин юксак даражада бойитилган уран Буюк Британияга олиб чиқиб кетилиб, эсон-омон манзилига етказилди. Бунда Грузия, Буюк Британия ва АҚШ ҳукуматлари биргаликда, эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишди. Айни пайтда ушбу хавфли модда тегишли жойда сақланмоқда.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 30 апрель, пайшанба • № 51 (22.288).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Абдуғофур Сатторович Абдураҳмонов Ўзбекистон Республикасининг Озарбойжон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди.

* * *

Япония иқтисодий ташкилотлари Федерацияси «Кейданрен» делегацияси аъзолари Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов билан учрашиб, ўзаро ҳамкорликда ҳар икки томонга ҳам бирдек манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш борасидаги масалалар юзасидан фикрлашиб олишди. Шунингдек, делегация вакиллари Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида ҳам бўлишиб, музокаралар ўтказдилар.

* * *

Андижонда бошланган «Буюк ипак йўли» халқаро теннис мусобақаси Наманганда давом этмоқда.

Халқаро теннис федерацияси ҳомийлигида ўтказилаётган мусобақада юртдошларимиздан ташқари Австралия, Германия, Грузия, Исроил, Италия, Қозоғистон, Хитой, Молдова, Россия, Украина ва Япония сингари жаҳоннинг 12 давлатидан келган теннисчилар ҳам иштирок этмоқда.

* * *

Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси, фан доктори Маҳмуд Шавқий Ўзбекистон телевидениесининг бир гуруҳ ижодий ва техник ходимларини элчихонага таклиф этди. Элчи жаноблари «Муҳаммадун-Расулуллоҳ» кўп қисмли телевизион фильмини юксак даражада таржима қилиб, ўзбек томошабинларига ҳар йилнинг Рамазон ойида туҳфа этиб келаётган юқори малакали ижодкорларга ташаккур билдирди.

Миср Ахборот вазирлигининг Бош бошқармаси раиси Набул Усмон ўзбекистонлик ижодкорларни муносиб тақдирлаш тўғрисида қарор қилиб, қимматли совғалар ажратилганлигини маълум қилди.

* * *

Халқ орасида иқтидорли ёш санъаткорларни аниқлаб олишда муҳим аҳамият касб этаётган оилавий дасталарнинг Самарқанд вилоят кўрик-танлови Тойлоқ туманида бўлиб ўтди.

Мумтоз ва замонавий қўшиқларни маромига етказиб ижро этган Тойлоқ туманидаги Сирожиддинов оилавий дастаси биринчи, Темирйўл туманидаги Ғуломовлар эса иккинчи ўринни эгаллашди. Энди улар республика танловида иштирок этади.

(ЎзА ва ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди)

«Оила кодекси» — оила асоси. Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

ЎН УЧ ЁШЛИЛАР ҚУВОНЧИ

БУХОРО. Ғиждувондаги 41-мактабда ўзига хос шодиёна бўлди. Бу ерда илк марта 13 ёшлилар, яъни дастлабки мучал тўйи нишонланди. 5-синфларнинг жами 57 нафар ўғил болалар ва қизларининг мучалини нишонлаш тадбирларига Вафо Нуриддинов, Шавқиддин Тилавов, Турбой Исломов ҳомийлик қилди. Мучал тўйида ёшларнинг ўз чиқишлари йиғилганларни мамнун этди.

Даврон БАҲРОНОВ

АЁЛ ВА ҲУҚУҚ

ЖИЗЗАХ. Фориш туманида «Аёл ва ҳуқуқ» мавзуида хотин-қизларнинг ҳуқуқшунослар билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда тумандаги идора, ташкилот, маҳалла хотин-қизлар қўмиталарининг раислари, 6-ҳунар-лицейи ва туман марказидаги мактабларнинг юқори синф ўқувчи қизлари ва бошқалар қатнашдилар.

Учрашувда туман суди раиси Ў. Холмуродов, ФҲДЁ бўлими мудири Г. Шакарова, гинеколог ҳаким Х. Давронова аёл ва унинг ҳуқуқлари, она ва болаликни муҳофаза қилиниши, оила бахти ва унинг муаммолари ҳақида сўзладилар. Мулоқот савол-жавоб тариқасида қизиқарли ўтди.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ХДП хабари

ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

28 апрель куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессиясининг кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан МК Сиёсий ижроия қўмитасининг умумий нуқтаи назари ишлаб чиқилди ва уни Олий Мажлис XI сессиясида ифода этиш партиянинг мамлакат парламентидаги фракцияси аъзоларига тавсия қилинди.

Шунингдек, мажлисда «Ўзбекистон ХДП Балиқчи туман кенгашининг партия депутатлик гуруҳи фаолияти йўналтириш бўйича амалга ошираётган ишлари ҳақида»ги ва бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессияси олдидан

МАСЛАҲАТЛАШИБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон ХДПнинг мамлакат парламентидаги фракциясининг кеча бўлиб ўтган мажлисида биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессиясининг таклиф этилаётган кун тартибига дахлдор масалалар юзасидан мазкур фракция аъзоларининг муштарак нуқтаи назарини ишлаб чиқишга оид масала кўриб чиқилди. Фракция раиси Абдулҳафиз Жалолов маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққан депутатлар Н. Исмоилов (96-округ), П. Қодиров (131-округ), А. Саидов (223-округ), А. Абдукаримов (244-округ) сессия кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалаларнинг долзарблигини алоҳида қайд этдилар. Уларнинг давлатимиз қонунчилигини мустаҳкамлаш, республикамизда изчил, босқичма-босқич ўтказилаётган ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашга хизмат қилишининг шубҳасизлигини таъкидладилар.

Айниқса, Ер кодекси, «Қишлоқ хўжалиги ширкати тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши билан, мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган, қишлоқ хўжалигидаги туб ўзгаришлар янги поғонага кўтарилади, одамларда мулкка эгалик ҳисси ҳосил бўлади, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ ишлаб чиқиш учун уларда жиддий рағбат туғилади, қишлоқда ислоҳотлар чуқурлашиши натижаларидан мамлакатимиз аҳолисининг учдан икки қисми бевосита, қолганлари эса ундан билвосита баҳраманд бўладилар.

Депутатлар муҳокамасига қўйилаётган «Чет эл инвестициялари тўғрисида» ва «Чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чоралари тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаси ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашга қаратилган, «Оила кодекси», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» (янги таҳрирда), «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонунлар ҳамда Олий Мажлис инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 1997 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи мамлакатимизнинг демократик тараққиёт йўлидан изчил бораётганидан далолат беради ва шу ишга хизмат қилади.

Сессияда кўрилиши мўлжалланаётган барча масалалар бўйича фракция мажлисида умумий нуқтаи назар ишлаб чиқилди.

Фракция аъзоларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида кўриб чиқиш учун таклиф қилинган масалаларнинг мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожланиши учун катта аҳамиятга эга эканлигини, уларни тайёрлашда парламентдаги партиямиз вакилларининг фаол иштирокини инобатга олиб, сессиянинг таклиф қилинаётган кун тартибини маъқуллаш, шунингдек, муҳокамага қўйилаётган кодекс, қонун, қарор ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини, асосан, қўллаб-қувватлаш ҳамда улар юзасидан ушбу йиғилишда ишлаб чиқилган нуқтаи назарни сессияда изчил ҳимоя қилиш тавсия этилди.

Шунингдек, фракция йиғилишида 136-Бойсун округидан Олий Мажлис депутати Қ. Амирқуловнинг депутатлик вазифаларини бажариши тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Фракция ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Шодиева иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Олий Мажлис XI сессияси олдидан

МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ!

Ўзбекистон ХДПнинг республика Олий Мажлисидаги фракцияси раиси Абдулҳафиз Жалоловнинг фракция мажлисида (1998 йил, 29 апрель)ги маърузаси*

Мамлакат парламенти ҳар бир сессияси арафасида фракциямиз аъзоларининг, унинг ўтказилиши билан боғлиқ масалалар хусусида, маслаҳатлашиб олиши табиий ҳол бўлиб қолди. Бу галги йиғилишимиздан ҳам мақсад Олий Мажлис XI сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалалар ва бизга тақдим этилган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида фракциямизнинг муштарак нуқтаи назарини биргалашиб ишлаб чиқишдир. Парламентдаги партиямиз вакиллари халқ хўжалиги турли соҳаларининг йирик мутахассислари, корхона, хўжалик ва ташкилотларнинг тажрибали раҳбарлари, парламентчиликнинг ҳадисини олган кишилар бўлсалар-да, муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар юзасидан маслаҳатлашиб олиш ҳеч қачон бефойда бўлмаган. Зеро, халқимиз: «Кенгашли тўй — тарқамас», деб бекор айтмаган.

Республика Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси мамлакатимиз иқтисодиётида ижобий ўзгаришлар барқарорлик тусини олаётган, ислоҳотларнинг кейингги муваффақиятини таъминлаш учун, бир томондан, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор бериш, иккинчи томондан, мустақиллик шарофати ила бошланган жамиятни демократлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш зарурати туғилган бир вазиятда бўлиб ўтади. Унинг таклиф этилаётган кун тартиби билан танишсангиз, парламентимизнинг айни шу масалаларга устуворлик бераётганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Шундан келиб чиқиб, биз муҳокамага қўйилаётган масалаларни икки гуруҳга бўлар эдик. Биринчи гуруҳга **Ер кодекси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Давлат ер кадастри** каби ҳужжатлар лойиҳалари киради.

Ушбу кодекс ва қонунларнинг қабул қилиниши учун туғилган зарурат ва уларнинг қишлоқдаги ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги аҳамияти Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг ўнинчи сессияси, Вазирлар Маҳкамасининг 25 февралда бўлиб ўтган мажлиси ва бошқа анжуманларда ҳар томонлама ва чуқур асослаб берилди. Энг муҳими шундаки, қишлоқда мулкчилик муносабатларини бозор иқтисодиёти талабларига яраша ўзгартирмай, кишиларнинг ислоҳотлар натижасидан шахсий манфаатдорлигини оширмай уларнинг самарасини таъминлаш мумкин эмаслигини бугун кўпчилик идрок этмоқда. Лекин, мавжуд қонунчиликка таяниб, уни рўёбга чиқаришнинг иложи йўқ. Чунки, юртбошимиз айтганидек, **«... қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш амалиёти ва мақсадларидан унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш жараёни ортда қолмоқда».**

Шу боисдан, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган ҳужжатлар шу куннинг талабларига тўла жавоб берадиган ва мукаммал бўлмоғи даркор. Шуларни ҳисобга олиб, депутатларга олдиндан тақдим этилган кодекс ва қонун лойиҳаларининг, шундай ҳужжатларга қўйиладиган, талабларга асосан жавоб беришини таъкидлаш билан бир қаторда, биз нингча, уларга баъзи бир тузатиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ. Махсус тузилган ишчи гуруҳи томонидан фракциямиз аъзолари ва партиямиз маҳаллий ташкилотларидан тушган фикр-мулоҳазалар ўрганилиб, уларнинг энг муҳимлари Олий Мажлис Котибиятига юборилди ва бугунги йиғилиш иштирокчиларига тақдим этилди. Шу боис таклифларни бирма-

(Давоми 2-бетда).

**Маъруза қисқа баён тарзида чоп этилмоқда.*

МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ!

(Давоми. Боши 1-бетда)

бир такрорламай, диққатингизни уларнинг энг муҳимларига қаратмоқчимиз.

Ер кодекси лойиҳаси бўйича. Олий Мажлиснинг олдинги сессиясида ушбу лойиҳа биринчи ўқишда қабул қилиниб, жамоатчилик муҳокамасига қўйилгандан сўнг унга муҳим янгиликлар киритилганлиги сезилиб турибди. Шундай бўлса-да, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга ерни вақтинча бериш, ер ижарага берилганда уни, албатта, давлат нотариал идоралари орқали расмийлаштириш, қишлоқ оилаларининг кўпсонли эканлигини инобатга олиб, уларга бериладиган ер майдонини бироз кенгайтириш каби ўзгартиришлар киритилса, Кодекс янада мукаммалроқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

«Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси анча пишиқ ишланган. Шу билан бирга, унда айрим ноаниқликлар ҳам мавжуд. Бизнинг ушбу Лойиҳани такомиллаштиришга оид фикр-мулоҳазаларимиз, асосан, қишлоқ хўжалиги кооперативида ишлаб чиқарилган маҳсулотни шу кооператив аъзоларининг мулки сифатида Қонунда мустаҳкамлаш, ширкат аъзоларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган. Шунингдек, Қонун лойиҳасининг номини **«Қишлоқ хўжалиги ширкати (кооперативи) тўғрисида»,** деб ўзгартиришни, яъни уни охиригача ўзбекчалаштиришни, таклиф этамиз.

«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан истакларимиз, бозор иқтисодиёти шароитида, фермер, ширкат хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашуви масаласини ҳар бир жамоа умумий йиғини ихтиёрига бериш ва ҳоказолардан иборат.

«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳасига доир таклифларимиз орасида деҳқонларга бериладиган ер майдонини бирмунча кўпайтириш, ҳар бир деҳқон хўжалигининг ўз низоми асосида фаолият кўрсатиши ҳақидаги қоидани киритиш ҳамда уларнинг бундан келиб чиқадиган мажбуриятларини кўрсатиш ва бошқалар бор.

Муҳокамага қўйилаётган **«Чет эл инвестициялари тўғрисида» ва «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари** аграр қонунлар туркумига кирмаса-да, бироқ, хорижий сармояларнинг мамлакатимизга кўплаб киритилишидан иқтисодиётимизнинг барча соҳаларининг, шу жумладан қишлоқ хўжалигининг ҳам, манфаатдорлиги шубҳасиз. Чунки, хорижий инвестиция воситасида машинасозлик, кимё ва қайта ишлаш саноатлари ривожланса, янги техника ва технологиялари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишига кенг жорий этилса, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари кўпаяди, уларни ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш тубдан яхшиланади. Шу сабабдан, мазкур қонунларнинг қабул қилинишидан қишлоқ аҳли ҳам манфаатдордир. Лойиҳаларга доир мулоҳазаларимиз уларни ихчамлаштириш (масалан, иккала қонун лойиҳасини бирлаштириш), чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш билан боғлиқ.

Сессиянинг таклиф этилган кун тартибидан жой олган масалаларнинг яна бир гуруҳи — **«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» (янги таҳрирда), «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» (янги таҳрирда), «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида» (иккинчи ўқишда), «Оила кодекси лойиҳаси тўғрисида» (иккинчи ўқишда), «Олий Мажлис инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 1997 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи»** каби ҳужжатлар бўлиб, улар мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилгандир. Булар тўғрисида ҳам биз фракциямиз фикр ва мулоҳазаларини Олий Мажлис Котибиятига тақдим этганмиз. Таклифларимизнинг бир қисми инобатга олинганлиги ҳужжатлар лойиҳаларидан, масалан, «Оила кодекси» матнидан, кўриниб турибди. Шу билан бир қаторда, уни ҳам жуда мукаммал, деб бўлмайди. Кодекс лойиҳаси жиддий таҳрирга муҳтож. Унинг кўплаб моддалари аниқ ва лўнда қилиб ёзилмаган ва ҳоказолар.

Парламент сессияси муҳокамасига **«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун** лойиҳасининг киритилиши алоҳида аҳамиятга эга. Биз бунга ўз сайловчиларимиз билан мазкур сессия арафасида ўтказилган учрашувларда ҳам амин бўлдик. Уларнинг иштирокчилари ушбу Қонун янги таҳрири лойиҳасининг ишлаб чиқилиши сабабларини тўғри тушунишларини изҳор этиб, киритилаётган тузатишларнинг Конституциямиз, бугунги ҳаётимиз эҳтиёжлари ва инсоний ҳуқуқларимиз манфаатларига тўла мос эканлигини таъкидлаб, уларни маъқуллашдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунда эса демократик жамиятнинг муҳим идораси ҳисобланмиш ушбу маҳкама ваколатининг аниқ муддати белгиланиши керак.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг 28 апрелда бўлиб ўтган мажлисида мамлакат парламенти навбатдаги сессияси масалаларига Сиёсий ижроқўмнинг муносабати билдирилди ва фракциянинг бугун ишлаб чиқиладиган, унга ҳамоҳанг, муштарак нуқтаи назарини, Олий Мажлис қабул қиладиган ҳужжатларнинг юртимизда рўй бераётган демократик жараёнлар, туб ислоҳотлар тақдири учун жиддий аҳамият касб этишини кўзда тутиб, сессияда ифода этиш тўғрисида партиямиз фракцияси аъзоларига тавсия берилди.

Шундан келиб чиқиб, сизларни ушбу тавсияга амал қилиш, Олий Мажлис XI сессиясининг таклиф этилаётган кун тартибини маъқуллашга ва муҳокамага қўйилаётган кодекс ҳамда қонунлар лойиҳаларини, асосан, қўллаб-қувватлашга, шунингдек, бугун ишлаб чиқиладиган муштарак нуқтаи назаримизни изчил ҳимоя қилишга даъват этамиз.

Агар биз шу йўлдан бориб, парламент сессияси ишига, ҳар галгидек, юксак масъулият билан ёндошсак, муҳокамаларда фаол иштирок этиб, қонунларнинг мукаммал бўлишига ҳисса қўшсак, ўйлаймизки, у, албатта, муваффақиятли бўлади.

СЕССИЯОЛДИ МУЛОҚОТЛАРИ

24-25 апрель кунлари 102-Янгиқўрғон сайлов округи сайловчиларининг ушбу округдан республика Олий Мажлисига депутат, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов билан қатор учрашувлари бўлиб ўтди. Мирзо Улуғбек, Бобур, Ж. Охунов номидаги, «Гулшан» жамоа хўжаликларида, Янгиқўрғон шаҳарчасида бўлиб ўтган мулоқотларда Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларининг мазкур сайлов округи таркибига кирувчи барча қишлоқ фуқаролари йиғинлари сайловчиларининг вакиллари қатнашдилар.

Уларда Олий Мажлиснинг XI сессияси кун тартибидан жой олиши мўлжалланаётган қонун ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари, шунингдек, мамлакатимизда, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида, амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсати, унинг мазмуни ва аҳамияти тўғрисида сўз юритилди. Учрашувлар иштирокчилари — қишлоқ аҳолиси барча қатламларининг вакиллари — ислоҳотлар сиёсатини маъқуллаётганликларини билдириб, унинг туфайли эришилган ижобий натижаларни қайд этдилар. Шунингдек, улар XI сессия томонидан қабул қилинажак, хусусан қишлоқ хўжалигига оид қонунлар мажмуининг тақдиршумул аҳамиятига катта умид билан қараётганликларини таъкидладилар.

Сессияолди мулоқотларида аҳоли маиший-маданий, ижтимоий турмуши масалаларига, жумладан хонадонларни газ, ичимлик суви, ўтин-кўмир билан таъминлаш, қурилиши тугалланмаган мактаб, маданият уйлари биноларини тезроқ ишга тушириш, шифохоналар ишини, айрим қишлоқларда телекўрсатувларни қабул қилиш сифатини яхшилаш масалалари кўтарилди. Шунингдек, жамоа хўжаликларининг, экин майдонлари, боғ-роғларни суғоришнинг янги манбалари иншоотларини барпо қилишга, аҳолининг бўш қисмини иш билан банд этишга нисбатан, долзарб эҳтиёжларини қондириш ва ҳоказоларга, дахлдор фикр-мулоҳаза, хоҳиш-истаклар билдирилди.

Учрашувларда Янгиқўрғон, Чортоқ туманлари ҳокимлари А. Камолов ва Б. Ҳайдаров ҳамда Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши биринчи котиби Ҳ. Убайдуллаев иштирок этдилар.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

СИРДАРЁ. Вилоят саноатчилари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятлари кенгайиб бормоқда. «Гулистонэкстрактёг» акциядорлик жамияти биносида ташкил қилинган кўргазмали семинар-машғулотнинг кўпчиликда қизиқиш уйғотиши ҳам шундан. Саноатчилар, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ҳамда мутахассислар экспорт молларининг сифатини янада яхшилаш, уни жаҳон андозаларига мослаш ҳақида қимматли фикрларни билдирдилар.
Йиғилишда пойтахтлик мутахассислар ҳам иштирок этишди.

Абдужалил УМАРОВ

СУЯНЧИҚЛАР

МАОРИФЧИЛАР ХАЛҚАРО УЧРАШУВИ

САМАРҚАНД. «Афросиёб» меҳмонхонасида Марказий Осиё ва Монголия давлатларида таълимни молиялаштириш мавзуида халқаро учрашув ўтказилди. Йиғилишда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон Республикасидаги вакили Лэйк, ЮНЕСКОнинг халқаро таълимни ривожлантириш институтидан Пэано Тереч, республика халқ таълими вазири ўринбосари М.Султонов, Нидерландия Ташқи ишлар вазирлиги бўлим мудири Вим Зоит, вилоят ҳокими ўринбосари Х.Нуруллаев ва бошқалар таълимни молиялаштиришдаги долзарб масалалар хусусида мулоҳаза юритдилар. Анжуман турли шуъбаларда давом этади.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

Менда **таклиф** *бор*

«ТУРОН ТАЙМС» ТАШКИЛ ТОПСА

Мустақилликнинг етти йиллиги муносабати билан кўплаб хайрли ишларга қўл урилянти. Хизмат юзасидан хорижликлар, элчихона вакиллари билан учрашишга тўғри келади.

Суҳбат чоғида шунга амин бўламанки, чет элликларнинг ҳаммасиям ўзбек тилида чоп этиладиган газеталарни синчиклаб кузатиша бермайди. Лекин, Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришларга, ахборот, янгиликларга жуда қизиқсиниб қарашади.

Шу ўринда мулоҳаза туғилади. Юртимиз нафасини акс эттирувчи ўзбек, инглиз тилида чиқадиган «Турон таймс» газетаси ташкил этилсайди, истаган хорижлик республикамизда шу кеча-кундузда рўй бераётган воқеалардан янада батафсилроқ маълумотга эга бўларди. Қолаверса, ўзбек матбуоти ҳам жаҳон сари йўл оладиган пайт келди, деб ўйлайман. «Турон таймс» ўзбек ижодкорларининг дунёга чиқишида яна бир энг яхши восита бўларди.

Саида ЙЎЛДОШЕВА,
журналист

ҒИЛДИРАК АЙЛАНА БОШЛАДИ

Санация қилинган 104 қишлоқ хўжалиги корхоналарида молиявий соғломлаштириш режаларининг бажарилиши таҳлил қилинди

Бирданига ҳарорат кўтарилиб, ердан нам қочганидан безовта бўлган деҳқонлар жума кунги ёмғирни ҳурсандчилик билан кутиб олдилар. Ўзиям, табиат саховатини аямади, туни билан чақин чақиб, узлуксиз ёмғир қуйди. Кечагина ғаллага сув олишга буйруқ бўлганди, бугун ортиқча сувни дарёга ташлаб юбориш чоралари долзарб бўлиб турибди.

— Ёмғир айни муддао бўлдида, энди бир сафарги суғориш харажати тежалади, — дейди раис ишчан ҳолатда қўлларини бир-бирига ишқаб,

— Икки юз минг сўмча маблағ чўнтакда қолди, — дейди суҳбатга қўшилиб ҳисобчи.

— Ё, насиб, деб гапиринг.

Чиноз туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида ана шундай суҳбатнинг устидан чиқиб қолдик. Одамлар ёмғирнинг ташрифиники пулга чақаяптими, демак, ҳисоб-китобнинг қатъийлиги, ҳар бир тийин ҳисобдалиги кўриниб турибди. Бу бежиз эмас. Хўжалик вилоят комиссиясининг хулосасига кўра санацияга киритилган, тадбирни ўтказиш Низомига кўра ташқи бошқарувчи тайинланиб, йил бошидан иш махсус тартибда жорий қилинган эди.

Пойтахтдан қўл узатса етгудек масофада жойлашган Яллама қишлоғини кўплар ё эшитган, ё кўрган. Бир вақтлар тумандагина эмас, вилоятда ҳам серсалмоқ бўлган хўжаликда кейинги йиллар ишлар яхши кетмади. Бунинг муайян сабаблари бор, хуллас, бу ерда ўтган хўжалик йили 62 миллион сўмдан зиёд тўланмаган, 12 миллион сўмга яқин ундирилмаган қарз билан якунланди. Ойлик маош, нафақаларни тўлаш, одамларни иш билан таъминлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам нуқсонлар кўп эди.

Туман ҳокими вазифасида ишлаётган Эшмуҳаммад Бердиев хўжаликка ташқи бошқарувчи этиб тайинланди. Маълумки, санация қилинган қишлоқ хўжалик корхоналарида ишни ташкил қилиш юзасидан кўплаб меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Яқинда эса дастлабки якунлар — биринчи чоракда бажарилган ишлар сарҳисоби чиқарилди. Ялламада кўзда тутилган барча тадбирлар изчил, бекаму кўст ўтказилганини ҳисоботлар кўрсатиб турибди.

Аввало, долзарб мавсум — уруғ қадашга пухта тайёргарлик кўрилди ва қисқа муддатда ўтказилди. Агар ҳозиргача 28 км. ариқ ва 11 км. зовурлар тозаланган ва бу иш давом этаётган бўлса, ўтган йил бу кўрсаткич тегишли тартибда 8 ва 7 км. ни ташкил этган эди. Мавжуд чигит экиш сеялкалари ва бороналар мавсум олдидан тўлиқ тахт қилиб қўйилди.

Худди шундай тадбирларни республика бўйича санация қилинган хўжаликларда бажарилишини таҳлил қилиб кўрайлик. Негаки, қишлоқ хўжалигида иккинчи даражали юмуш бўлмайди, қолаверса, топшириқнинг қанчалик бажарилгани ҳукумат дастурининг ижро этилишини кўрсатиб туради. Ички ва хўжаликлараро коллектор-дренаж, сув йўлларини тозалаш Наманган ва Самарқанд вилоятларида намунали ўтказилган. Хўжаликларда кўзда тутилган тадбирлар тўлиқ адо этилган. Бироқ Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Фарғона вилоятларида мелиорация тармоқларини тартибга олиб келиш қониқарсиз бажарилган. Олайлик, Қорақалпоғистонда кўзда тутилган 181,6 км. хўжаликлараро коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш топшириғини 6,2 км. бажарилганини қандай изоҳлаш мумкин? Сирдарё вилоятида хўжаликлар ичидаги худди шундай топшириқ 215 км. ўрнига 18,5 км. қазиб, парваришни ҳам бошлаб юбордилар. Аммо республикада санация қилинган хўжаликлар ихтиёрида бўлган 320 ҳайдов, 687 ишлов бериш тракторлари мавсумга тахт бўлмаган. Кўриниб турибдики, дастлабки босқичда мавсумнинг бошланиши билан боғлиқ масалаларда имкониятлардан тўла фойдаланилмаган.

Маълумки, бундай хўжаликлар 24 ой давомида молиявий соғломлаштириш режаларини бекаму кўст бажариб, ўзларини иқтисодий ўнглаб олишлари кўзда тутилган. Шу мақсадга эришиш учун аниқ имкониятлар ҳисоблаб чиқилган. Жумладан, кўплаб вазирликлар, идоралар молиявий соғломлаштиришга ошиғич жалб этилган. Агар Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги шу йил 7 февраль қарорининг ижроси юзасидан 1 чорак якунига назар ташлайдиган бўлсак, иқтисодий соғломлаштириладиган хўжаликларга «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси ва «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси зарур даражада тўла ёрдам берганликларини кўриш мумкин. Фарғона вилоятида 56,7 км. хўжаликлараро сув йўлларидан 22,3 км. тозаланган, холос. Гарчи бу мавсумнинг вақти ўтган, бу ҳақда гапириш ортиқчадек туюлса-да, вилоятлардаги бир-биридан кескин фарқ қилувчи аҳвол ишга муносабатни аниқлашда асқотади. Худди шундай масъулият нуқтаи назаридан экиш техникалари нечоғлик тайёрланганини кўздан кечирайлик. Бу йилги қулай об-ҳаво шароитида деҳқонлар ерга уруғ қадашни қисқа фурсатларда ўтказишга «Ўзагросуғурта» тармоғида Навоий, Наманган, Хоразм, Тошкент вилояти (Қуйи Чирчиқ туманидаги Ҳамза номли хўжаликнинг 1867 минг сўм қарзи тўланмаган)дан ташқари барча вилоятларда 1996 йил учун суғурта тўловлари тўланган (308,2 млн. сўм миқдорида) ёки қарзларини ҳисобдан чиқариш тўла амалга оширилган (69,2 млн. сўм миқдорида), «Ўздавпахтасаноатсотиш» эса худди шу хўжаликлар 1997 йил ҳосилидан тайёрланган пахта хом ашёсини қайта ишлашни тугалаб, хўжаликлар ихтиёрида қоладиган пахта ва пахта толаси учун узил-кесил ҳисоб-китоб қилган, шу билан бирга 1998 йил учун ҳар бир хўжалик билан контрактация шартномалари тузилган.

Шу ҳисобдан хўжаликларнинг янги ҳисоб рақамига маблағ тушди, одамларга маош бериш имкони туғилди. Охунбобоев номли жамоа хўжалиги аъзоларига ҳам уч ойлик маош (3705 минг сўм миқдорида) ўз вақтида тарқатилди.

Ҳукумат дастурида ночор қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий соғломлаштириш мақсадида кўплаб имтиёзлар кўзда тутилган. Режани бажариш борасида дастлабки босқичда катта ишлар амалга оширилди. Бюджет ҳисобига (337,7 млн. сўм), нафақа жамғармасига (719,9 млн. сўм), бандлик жамғармасига (64,9 млн. сўм), ижтимоий суғурта жамғармасига (64,9 млн. сўм), йўл жамғармасига (78,6 млн. сўм) тўланадиган қарзлар 2000 йилгача кечиктирилди. Молия вазирлиги томонидан бундай хўжаликларнинг вазирликлар, идоралар, корпорациялар, ассоциациялардан жами 4772,5 млн. сўмлик кредитор қарзлари қайта расмийлаштирилди.

Моддий соғломлаштиришнинг муҳим бўғини сифатида хўжаликлар ҳисобида турган, фойдаланилмаётган асосий воситаларни сотиш, ижарага бериш ёки ҳисобдан чиқариш орқали айланма маблағлар яратиш ҳам кўзда тутилган. Мабодо, бу борада 1 чоракда амалга оширилган ишлар кўздан кечирилса, аҳвол қониқарли эмаслиги кўзга ташланади. Республика бўйича 3 миллиард 669 миллион 643 минг сўмлик асосий воситалар (санация қилинган хўжаликларда) хатланган бўлиб, ҳар бир вилоятда турли даражада уларни реализация қилиш кўзда тутилган, лекин бу кўрсаткич жуда паст: 11944 минг сўмлик бинолар, транспорт воситаси сотилган ёки фойдаланишга берилган. Қорақалпоғистон Республикаси (19880,4 минг сўм), Андижон (5798 минг сўм), Қашқадарё (9167,7 минг сўм), Самарқанд (9101 минг сўм) вилоятларида реализация учун мўлжалланган топшириқлар бир тийинга ҳам уддаланмаганини нима билан оқлаб бўлади? Бу ўринда ё режа нотўғри тузилган, ё ижрода масъулият етишмаяпти. Охунбобоев номли жамоа хўжалигида бутунлай ўзгача аҳвол: сотишга мўлжалланган 4058 минг сўмлик асосий воситалардан 2721 минг сўмлиги аллақачон сотилган.

Худди шу масалада амалий ёндошув лозимга ўхшайди. Баъзи мутахассислар асосий воситаларни сотишда хўжаликка жуда кам наф тегади, дейишмоқда. Янги баҳоларда индексация қилинган мулк сотилса, солиқ идоралари 20 фоизгача қўшимча қиймат солиғи, яна фойдадан 35 фоизгача солиқ ундиришаркан. Шу ҳисобдан хўжалик хазинасига тушадиган маблағнинг салмоғи анча камайиб қолади. Бу важ нечоғлик тош босишини билмадиг-у, бироқ фойдаланилмай ётган воситаларни хўжалик ҳисобида ортиқча тошдек ушлаб туриш ҳам мантиқсиз эканлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди.

Дастлабки якунлар

Санация қилинган хўжаликларда муҳим тадбир сифатида ортиқча ишчи кучларини бўшатиш, уларни бошқа соҳаларга жалб қилиш ҳам кўзда тутилган. Бинобарин, республикамиз шароитида меъёрдан анча кўп одам қишлоқ хўжалигида банд бўлиб қолгани, етиштирилган маҳсулот ишчи кучларига тақсимланганда унумдорлик анча пастлиги қайта-қайта таъкидланмоқда. Худди шундай, ўша 104 хўжаликда ҳам 86808 киши ўрнига 114154 киши ишлаётгани аниқланган эди. Шулардан ҳозиргача 26187 нафари бўшатилган, бироқ уларни иш билан таъминлаш кўрсаткичи жуда паст ҳисоботда — 2729 киши иш билан таъминлангани қайд этилган. Бошқарув тизими ходимларини қисқартириш ҳам кўзда тутилган даражада амалга оширилган.

Санациянинг бориши юзасидан республика комиссиясининг биринчи чорак якунларини кузатиб, жойларда олдин асло учрамаган бир тарзда ишлар амалга оширилаётганига ишонч ҳосил қилдик. МДҲдаги баъзи давлатлар луғатида «Санация» деган сўз энди-энди пайдо бўлаётган бир шароитда юртимизда бу борадаги дастлабки қадамлар натижа кўнгилдагидек бўлишини кўрсатиб турибди. Хуллас, ғилдирак айлана бошлади, у, албатта, кераклигича тезланиш олиб, олға ҳаракатни бошлаб юборади.

Ҳаким САТТОРОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Хатлар, **хатлар,** *хатлар...*

ЭКИНДА ЙЎҚ, ХИРМОНДА ҲОЗИР

Ҳурматли таҳририят ходимлари, сизларга хат ёзишимиздан мақсад шуки, бундан 9 йил аввал «Ўзқишлоқмаш» корхонасига қарашли учинчи ётоқхона билан маҳалла ўртасида ташландиқ, бунинг устига ахлатхона бўлиб ётган жойни ўзлаштириб, боғга айлантиргандик. Аслида бу ерни ўзлаштириш ниятимиз йўқ эди. Аммо шу атрофда яшовчи аҳолидан ахлатхонани йўқ қилиш тўғрисида корхона раҳбарига шикоят тушавергач, бир куни унинг ўзи (Тошмат Муҳамедов) ва ЖЭК бошлиғи (ҳозирда собиқ) Бахтиёр Эгамбердиевлар келиб, атрофдаги аҳоли ва ётоқхона мудирлари билан маслаҳатлашгач, мени чақиртириб: «Ўктам опа шу ерда фаррош бўлиб ишларкансиз, бунинг устига уйингиз ҳам яқин экан. Шунинг учун шу ерни ўзлаштириб ер қилиб олсангиз бўлмайдими?», -- деб қолди корхона раҳбари Т. Муҳамедов. Мен рози бўлдим. У керакли ёрдамни аямаслигини айтди.

Шундай қилиб оиламиз билан ерни ахлат ва темир-терсаклардан тозалагач, атрофини панжара билан ўраб, сув чиқариб, турли хил мевали дарахтлар экдик. Яхшигина боғ бўлди. Икки йилдан буён озми-кўпми ҳосил берянти. Аммо, мана бир йилдирки, кўнглимиз хижил. Сабаби корхона ётоқхонани шу ерда яшовчиларга хусусийлаштириб бергач, унинг биринчи қаватида истиқомат қилувчилар боғ тарафдан эшик очиб олишиб ерга эгалик қилишга ҳаракат қилишмоқда. Бир пайтлари ахлатхона бўлиб ҳеч кимнинг назарига тушмаган жойга эндиликда эга кўпайиб қолди. Улар ана шу масалада турли хил идораларга чопишни ҳам канда қилишмаянти.

Агар улар ерга эгалик қилишадиган бўлса, оиламиз билан сарфлаган қанча меҳнат, харажатимизни ким қоплайди? Бундан ташқари мен бу корхонада 20 йилдан зиёдроқ вақт меҳнат қилдим. Шундай экан, наҳотки, мен неча йиллардан буён ундириб-ўстириб меҳнат қилган боққа эгалик қилишга ҳаққим йўқ?

Ўктам МУЗАФФАРОВА,
Юнусобод тумани, Бошқирд кўчаси 42-а уй.

ДАВЛАТ КОТИБИ САФАРДА

АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт Осиё мамлакатлари бўйлаб ўз сафарини бошлади.

М. Олбрайт сафарнинг биринчи кунида Японияда бўлади. У ерда мазкур мамлакат раҳбарлари билан учрашиб, минтақавий муаммолар ҳамда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш борасида музокаралар ўтказади. Шундан сўнг у Хитой, Жанубий Корея ва Мўғилистонда бўлади.

ВИЗА ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Эстония Президенти Леннарт Мери мамлакатда Латвия ва Литва учун виза тизими жорий қилиниши мумкинлиги ҳақида баёнот берди. Агар Эстония Европа Иттифоқига аъзо бўлса, у мазкур иттифоқнинг шарқий чегараларини мустаҳкамлаш мажбуриятини бажаради. Бу эса ўз-ўзидан мазкур мамлакатлар билан ҳам виза тизимини жорий қилиш вазиятини юзага келтиради, деди Президент.

Собиқ шўролар салтанати инқирозга юз тутганидан сўнг Болтиқбўйи давлатларида ягона виза тизими жорий қилинган эди. Маълумки, Эстония Европа Иттифоқига аъзо бўлиши кўзда тутилган биринчи гуруҳ давлатлари рўйхатига киритилган. Мамлакатнинг иттифоққа 2005 йилгача бўлган даврда қабул қилиниши кутилмоқда.

ИСПАНИЯ ҲАМ КОНВЕНЦИЯГА ҚЎШИЛДИ

Испания ҳукумати пиёдаларга қарши ишлатиладиган миналардан фойдаланмаслик ва уларни ишлаб чиқаришни тақиқлаш тўғрисидаги конвенцияга қўшилганини маълум қилди. Маълумки, бу конвенция ўтган йили сентябрь ойида Ослода қабул қилинган эди.

Испания ҳукумати вакили Мадридда бўлиб ўтган матбуот анжуманида ўз мамлакати мазкур конвенцияда кўрсатилган барча шартларга риоя этажаги ва уларнинг ижросини тўлалигича таъминлашини таъкидлади. Шунингдек, у Испания қуролли кучларида мавжуд бўлган бундай миналар уч йил давомида йўқ қилинажагини ҳам айтди.

«ЁРДАМ-98» ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ҳинд океанининг Андаман ороли ва Бенгал кўрфази ҳудудларида «Ёрдам-98» ҳарбий ўқув машқлари бошланди. Унда Ҳиндистон, Индонезия, Сингапур ва Шри-Ланка ҳарбий денгиз қўшинлари иштирок этмоқда.

Бир неча кун давом этадиган мазкур тадбирда ҳалокатга учраган кемаларга тезкор ёрдам кўрсатиш ва уларни излаб топиш борасида машқлар ўтказилади.

ПОКИСТОН СУДИ ҲУКМ ЧИҚАРДИ

Покистон суди молиявий қонунбузарликда айбланаётган собиқ Бош вазир Беназир Бхутони ўзига тегишли бўлган барча мулкидан фойдаланишини тақиқлаш тўғрисида ҳукм чиқарди. Собиқ Бош вазир энди ўзининг банкдаги ҳисобларидан ҳам фойдалана олмайди.

Мазкур тақиқ Беназир Бхуттонинг ҳозир турмада сақланаётган турмуш ўртоғи Асиф Зардорий ҳамда онаси Нусрат Бхуттога ҳам тегишлидир. Коррупцияга қарши кураш бўйича агентлик вакилининг айтишича, Бхуттолар хонадонининг ҳозирги бойлиги 300 миллион АҚШ долларига тенг.

ИНТЕРВЬЮДАН ШУ НАРСА МАЪЛУМ БЎЛДИКИ...

«Швеция Бош вазири Улоф Пальма 12 йил муқаддам Курдистон ишчилар партияси йўлбошчиси Абдуллоҳ Ожалан буйруғи билан ўлдирилган эди». Туркия ҳукумати давлат вазири Шукри Син Гюрел «Ас-сабоҳ» газетаси мухбирига берган интервьюсида шундай деди. Газетада ёзилишича, Туркия ҳарбийлари томонидан Шимолий Ироқда ҳибсга олинган Курдистон ишчилар партияси ҳарбий гуруҳларининг бошлиғи Шемдин Сақиқ тергов вақтида шундай кўрсатма берган.



Финляндия. Савонлин — сиҳатгоҳлар шаҳри.

Дунёдан огоҳлик

ТАРАҚҚИЁТ ЧОРРАҲАСИ

Яқинда Европа мамлакатлари университетларидан бирида малака ошириб қайтган ёш олим билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдим. Жумладан, Ўзбекистонда таълим ва кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар истиқболи ҳақида ҳам суҳбатлашдик. Мамлакатимизда таълим тизимининг ҳуқуқий асослари яратилганлиги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилиниши юртимизни мутараққий давлатлар сафидан муносиб жой олиш имконини берди. Ҳозирданоқ истеъдодли олим ва талабаларимиз ўзларининг ақлий заковатлари билан хорижлик ҳамкасбларини ҳайратга солишмоқда, деди ҳамсуҳбатим.

Тарихдан яхши маълумки, Шарқ ва Ғарб халқлари доимо ўзаро тажриба алмашиб, бир-бирларининг илм-фандаги ютуқларидан баҳраманд бўлишган. Бундай фойдали анъана бугун ҳам давом этмоқда. Шу боис, бир томондан юқоридаги суҳбат баҳона бўлиб, иккинчи томондан Европадаги энг яқин ҳамкоримиз Германиянинг таълим, фан соҳасида эришган ютуқлари, мамлакат ёшларининг ҳаёти, уларни ўйлантираётган масалалар билан қизиқиб, Ўзбекистоннинг бу борада тутаётган йўлига ўхшаш бир қанча жиҳатларга дуч келдик.

Германияинг иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги муваффақиятларининг бир учи мамлакатдаги таълим тизими ва ёшлар сиёсатига келиб тақалади. 70-йилларда дунёдаги кўпгина олимлар, сиёсатчилар, аналитиклар Германиянинг иккинчи жаҳон урушидан сўнг иқтисодда эришган тараққиёт суръатларини тадқиқ ва таҳлил қилар эканлар, хулосаларининг асосини таълим ва илм-фан омили ташкил қилганлигини эътироф этишган. Уруш вайроналари остида қолган мамлакат 15—20 йил ичида қандай қилиб дунёнинг етакчи мамлакатига айланди, деган савол бугун Ғарбни унчалик қизиқтирмай қўйди. Аммо, 90-йиллар бошида ўз мустақиллигини қўлга киритган давлатлар учун, ҳозирги мураккаб ўтиш даврида немислар тажрибаси алоҳида бир қизиқиш уйғотмоқдаки, илғор мамлакатлар тажрибаси деганда кўпинча Германия мисол тариқасида келтирилиши ҳам анчайин табиий тус олмоқда.

Албатта, Германия қўлга киритган ютуқларнинг омиллари, миқёслари кенг кўламга эга. Муваффақиятлар сирини фақат мактаб ёки фандаги ислоҳотлар доирасидан излаш тўғри бўлмаса-да, айни ана шу икки нарсанинг ниҳоятда муҳим ўрнини ҳам унутмаслик лозим.

Германия қонунларига кўра, мактаб таълими давлат назорати остига олинган. 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг мактабда таълим олиши мажбурий. Давлатга қарашли барча мактабларда ўқиш бепул. Мустақил таъсисчилар томонидан хусусий мактаблар ташкил этилишига қонун йўл беради. Лекин, албатта давлат томонидан тегишли рухсат олиниши зарур.

Германия мактабларининг ўзига хос жиҳати шундаки, бу ерда фан билан бир қаторда турли касблар чуқур ўргатилади. Ўқувчи мактабнинг ўзидаёқ саноатнинг турли соҳаларига оид касбларни пухта ўзлаштириб олади. Немис ёшлари сўнгги йилларда кўпроқ ҳунар - техника билим юртларига ўқишга киришмоқда. Йигитлар асосан автомеханик, электромонтёр, саноат механиги, ташқи савдо бўйича мутахассис сингари касбларни танлашаётган бўлишса, қизлар врач ёрдамчиси, сотувчи, сарторош, идора хизматчисилигини маъқул кўришмоқда. Бундан ташқари, ёшлар корхоналарнинг ўзида ҳам ҳунар ўрганишлари мумкин. Буни ушбу мамлакатда «мастер қўли остидаги йиллар» деб аташади. Икки-уч йил ичида ҳам амалий, ҳам назарий машғулотлар ва бевосита иш жараёнида ёш ўсмир тажрибали мутахассис бўлиб етишади. Энг қизиғи шундаки, бу тарақа ҳунар ўрганган ёшлар ҳам мустақил ишга киришишларидан олдин нуфузли комиссияга имтиҳон топширишади.

Германияда бironта ёш йигит-қиз маълум бир касбни эгалламасдан туриб, меҳнат фаолиятини бошламаслиги керак, деган принцип мавжуд. Шу боис мамлакатда малакасиз ишчилар сони жуда кам. Мактабдаёқ билим бериш билан бир қаторда ҳунар ўргатиш-дуализм тизими Германия тараққиётининг энг муҳим омилларидан бўлиб, дунёдаги кўплаб мамлакатлар бу тажрибадан фойдаланишмоқда.

Немис ёшларининг тарбиясида оила, ота-она ўрнига айрим Европа мамлакатларидан фарқли ўлароқ, эътибор катта. Болада боғча ёшиданоқ мустақил фикрлаш тарзини шакллантиришга ҳаракат қилинади. Унинг қизиқиши, дунёқарашига қараб мактаб танланади. Мактаб, гимназия ва университетлардаги ўқиш вақтида ҳам боланинг энг яқин маслаҳатчиси, йўл кўрсатувчиси ота-онаси бўлиб қолаверади.

Олий ўқув юртлари ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳозирги Германия ҳудудида илк университет 1386 йилда Хайдельберг шаҳрида ташкил этилган. Айни пайтда мамлакатда ўқитиш тизими малакаси жаҳон стандартларига жавоб берадиган жуда кўплаб олий ўқув масканлари мавжуд. Немис ёшлари амалий машғулотлар чуқур ўргатиладиган муҳандислик, иқтисод, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий таъминот сингари йўналишлар билан боғлиқ олий ўқув юртларини кўпроқ танлашмоқда. Германия университетларига хорижлик талабаларни қабул қилишга ҳам катта эътибор берилади. 90-йилларнинг бошидаёқ бу ерда юз минг нафардан зиёд чет эллик ёшлар билим олишган. Биз учун қувонарлиси шундаки, Президентимиз Фармони билан «Умид» жамғармаси ташкил этилгандан сўнг Германияда таҳсил олаётган дунё ёшлари қаторига ўзбекистонлик истеъдодли йигит-қизлар ҳам қўшилди.

Германияда таълим тизими билан боғлиқ ўрганса арзийдиган яна бир тажриба мавжуд. Ёшлар ҳунар билим юртлари, гимназиялар, олий ўқув юртларини тугатиб меҳнат фаолиятини бошлаганларидан кейин ҳам ишдан ажралмаган ҳолда халқ университетларида ўқишни давом эттиришади. Халқ университетлари XIX асрда вужудга келган бўлса-да, асримизнинг 60-йилларида немис жамиятидан мустаҳкам ўрин олди. Бу даргоҳларда ҳам амалий, ҳам назарий таҳсиллар мунтазам олиб борилади. Танлаган касбингиз бўйича фан ва техника соҳасидаги энг сўнгги янгиликлар, кашфиётлар билан танишиб борасиз. Зарур пайтда касбингизни ўзгартириб, янги мутахассисликка эга бўлишингиз мумкин. Бундан ташқари хорижий тиллар, математика, астрономия, санъатшунослик алоҳида ўргатилади. Шу ўринда биргина изоҳ: санъатшуносликни мукаммал ўргатилиши туфайли немис ишчиси дунё маданиятининг ёки жаҳон музейларидаги энг нодир экспонатларнинг нозик қирраларию муаммолари хусусида бемалол фикр юритиш лаёқатига эга. Шу боис халқ университетларининг обрўйи йил сайин ошиб бормоқда. Масалан, 1991 йилда халқ университетлари курсларида 6 миллиондан зиёд кишининг таҳсил олишини таъминлади. Ҳозир мамлакатда 1500 дан зиёд ана шундай университетлар мавжуд бўлиб, уларнинг юзлаб филиаллари тез суръатлар билан кўпайиб бормоқда. Халқ университетлари сиёсий партиялар ва диндан ажратилган. Унинг халқ ўртасидаги нуфузининг энг муҳим хусусияти ҳам ана шунда.

Германия азалдан фан, илмий тадқиқотлар ва буюк олимлар ватани ҳисобланган. Масалан, иккинчи жаҳон урушига қадар физика соҳасида 10, кимё соҳасида эса 16 нафар немис олими Нобель мукофотига сазовор бўлган. Мамлакатда фашистлар диктатураси ўрнатилгандан сўнг юзлаб энг истеъдодли олимлар чет элларга кетишга мажбур бўлишди. Урушдан кейин немис фанини қайта жонлантириш анча қийин кечди. Лекин илмга давлат миқёсида берилган алоҳида эътибор, айниқса, ёш олимларга яратилган шарт-шароит 80-йилларга келиб ўз мевасини бера бошлади. 1998 йилда кимё соҳасидаги тадқиқотлари учун Йоганн Дайзенхофер, Роберт Хубер, Хартмут Михель, 1989 йилда физика соҳасида Вольфганг Пауль, 1991 йилда биолог-олимлар Эрвин Неэр ва Берт Закман Нобель мукофотига сазовор бўлишди.

Мамлакатда илмий тадқиқотлар уч секторда: олий ўқув юртларида, университетлардан ташқари давлат ва хусусий муассасаларда иқтисоднинг илмий-тадқиқот бўлимлари ва ишлаб чиқаришдан ҳоли илмий марказларда олиб борилади. Илмий тадқиқотлар натижаларини дарҳол ўқув дастурларига киритиш устувор йўналиш саналади. Фундаментал тадқиқотларнинг асосини олий ўқув юртлари ташкил қилиб, бу ёш олимларни узлуксиз тайёрлаш имконини бермоқда. Энергиянинг янги манбаларини топиш, физика, авиация, космонавтика, тиббиёт ва биология фундаментал тадқиқотларнинг асосий йўналишлари ҳисобланади. Умуман, мамлакат бўйича 500 мингдан зиёд киши тадқиқотлар ва турли ишланмалар устида фаолият кўрсатмоқда. Тадқиқотларга маблағ ажратиш бўйича Германия дунёда АҚШ ва Японияндан кейин учинчи ўринда туради.

Германияда ёшларнинг ўқиш ва ишдан ташқари вақтларини мазмунли ўтказишга катта имкониятлар мавжуд. Мамлакатдаги кўплаб сиёсий партиялар, черковлар ёшларни ўз сафларига жалб қилишга ҳаракат қилсалар-да, немис ёшлари асосий вақтларини билим олиш, касб-ҳунар ўрганиш, спорт ва саёҳатга сарфлашмоқда.

Германияда ёшлар ўз қизиқишларига қараб, турли уюшма ва иттифоқларга бирлашишни хуш кўришади. Айниқса ёшларнинг спорт уюшмалари етакчи ўринда туради. Мамлакатнинг шарқидаги ёшлар эса мусиқа ва китобхонлик иттифоқлари атрофига бирлашишган. Германияда 80 га яқин регионларарo ёшлар иттифоқи мавжуд. Ўлкашунослар, радиоҳаваскорлар, боғбонлар, филателистлар, овчилар жамиятлари фаолиятида иштирок этиш ёшларнинг севимли машғулотларидан саналади. Ёшлар иштирок этаётган уюшмаларнинг 65 фоизи спорт соҳасига тааллуқлидир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ёшларнинг ҳаётда йўл танлашларида ота-оналар асосий ўрин тутадилар. Немис ёшлари ўртасида ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатадики, уларнинг 85—90 фоизи ҳаётда маълум бир қарорга келишларида ота-оналари катта ёрдам беришганлигини эътироф этишган.

Хўш, немис ёшларини қандай муаммолар ўйлантирмоқда? Ёки ёшларнинг қай бир муаммолари ҳукуматни ташвишга солмоқда, деган саволлар туғилиши ҳам табиий.

Аввало, икки немис давлатининг бирлашиши Германия давлати ва халқи ҳаётида улкан ижобий воқеа сифатида баҳоланган бўлса-да, бирлашув қатор масалаларни, жумладан собиқ ГДР ёшларининг янги жамиятда ўз ўрнини топиш муаммосини ҳам кун тартибига қўйди. Социализм идеалларининг емирилиши, шу руҳда тарбия топган ёш авлодни дастлаб бироз гангитиб қўйганлиги рост. Немис матбуотининг таъкидлашича, юқоридан берилган буйруқ ва кўрсатмалар асосида яшашга ўрганиб қолган одамлар, эркин жамиятнинг йўл танлаш имкониятлари олдида анчайин иккиланиб қолишди. Лекин асосий кўпчилик (маълумотларга қараганда 60 фоиз) ҳаётда ўз қобилиятларини намойиш қилиш ва рўёбга чиқариш учун имконият туғилганлигини эътироф этишган. Тўғри, ҳозирча мамлакат шарқида таълим олиш, ҳунар ўрганиш, иш топиш ғарбдагига қараганда анча мураккаб. Айниқса, иш топишга бўлган умидсизлик, оила ва жамиятдан ажралиб қолиш туфайли айрим ёшлар тасодифан экстремистлар таъсирига тушиб қолишмоқда Ўнг экстремистлар ёшлар қалбида чет элликларга нисбатан нафрат оловини ёқишга уринмоқда. Ҳукумат, полиция ва суд органлари экстремистларнинг жиноий хатти-ҳаракатларига қарши барча воситалар билан кураш олиб бормоқда.

Умуман олганда, ёшларнинг илмга, фан-техника, ҳунар ўрганишга бўлган кучли иштиёқлари туфайли тараққиётнинг энг жадал суръатларига эришаётган Германиянинг истиқболи айни шу борада янада порлоқ. Чунки, Германиянинг ҳар беш фуқаросидан бири ҳали 18 ёшга тўлмаганлардан иборат. Бу соҳада ҳам Германия Европадаги энг «ёш» мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Ўзбек халқи дунёга ўзининг буюк олимлари, илму урфони, юксак давлатчилик тарихи билан машҳур бўлиши билан бир қаторда, бошқа миллатлар тажрибасини ўрганиш, тараққиётга интилиш фазилатлари билан ҳам ажралиб туради.

Айниқса, ёшларимизни илдизлари минг йилларга бориб тақалувчи улуғвор маънавий меросимиздан баҳраманд этиш билан бир қаторда, уларни жаҳоннинг тараққий топган давлатларида таълим олишларига катта эътибор берилаётганлиги боис илмга чанқоқ ёшларнинг янги авлоди улгаймоқда. Замонавий индустрия, фан ва технология, юқори малакали олиму мутахассисларимиз салоҳияти билан дунё интеграциясига қўшилмоқдамиз.

Жаҳон халқлари даврасидан муносиб жой олишга элтувчи йўл, табиийки, илм-фан, таълим ва ёшлар тарбияси деган азалий ва абадий чорраҳадан ўтади.

Жалолиддин САФОЕВ



Пекин. Халқаро телекоммуникация маркази.

КОФЕ АРЗОНЛАШДИ

Колумбия кофе ишлаб чиқарувчилар федерацияси вакилининг маълум қилишича, Нью-Йорк биржасида кофенинг баҳоси яна арзонлашган.

Мутахассисларнинг фикрича, жаҳон бозорида кофе нархининг пастлаб бораётгани Бразилияда рекорд даражада кофе ҳосили олинаётгани билан изоҳланади. Бразилияда жорий йили ҳар бири 60 килограмм тош босадиган 36 миллион қоп кофе етиштирилиши кутилмоқда.

ЯНА ҚУРОЛЛИ ТЎҚНАШУВ

Сомалида бир-бирига қарши бўлган ҳарбий гуруҳлар ўртасида мамлакат жанубидаги Кисмайо бандаргоҳи устидан назорат қилиш масаласида яна қуролли тўқнашув бошланиб кетди. Отишмалар натижасида 37 киши ҳалок бўлди, 55 киши жароҳатланди.

Тўқнашув Муҳаммад Саид Херси етакчилигидаги жангчилар айби билан бошланди, деб хабар беради РАТА-ТАСС мухбири. Маълумки, Муҳаммад Саид Херси Сомалида музокаралар йўли билан барқарорликни таъминлаш ҳақида ўтган йили имзоланган келишувни ҳамон тан олгани йўқ. Кузатувчиларнинг фикрича, Кисмайодаги жанглар мамлакатда барқарорликни таъминлаш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларга салбий таъсир этади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас

«ЯСАЛГАН» БАЙРАМЛАР

Ҳаётимизни байрамларсиз тасаввур этинг: қандай зерикарли, оддий бўп қоларди-я? У байрамдан бу байрамгача баъзида ошиқиб қоламиз. Ахир, бу кунлар шодлик олиб келади-да, кўнгилларга.

Хорижда-чи, улар ҳам қутлуғ кунларни орзиқиб кутишармикан? Наинки кутишаркан, ўзларига байрам «ясашаркан». Ҳайрон бўлманг, бу жуда оддий.

ТЎРИ ЙЎҚ ДАСТУРХОН

Немислар дастурхон атрофида кўпчилик бўлиб ширин суҳбат қуришни хуш кўришади. Крев шаҳарчасида яшовчиларнинг бари 15 минг кишилик «ширин» ҳанғоматаблаблар узундан-узун, тўрт километрга чўзилган дастурхон ёзишди. Ҳамшаҳарлар шу ўтиришда 1,5 тонна колбаса, 2 тонна қовурилган гўшт, 3 тонна картошкали салат, 150 килограмм горчицани паққос туширишди. Заҳирадаги 20 минг литр шаробни «кўрдим» дейишмади.

Кўча бўйлаб ёзилган тўри кўринмас дастурхон атрофида дийдорлашганлар ўзаро бахт тилашиб хайрлашишди. Қизиғи, бу байрамни ёлғизликдан зериккан кампир «бир дийдорлашайлик» дея бошлаганди. Немисларнинг бу «тўрсиз дастурхон»и Гиннеснинг рекордлар китобига кирди.

ЎЗИГА ХОС МИЛЛИЙ БАЙРАМ

Вашингтон шаҳар ҳукумати спиртли ичимликларга қарши миллий байрамни эълон қилди. Миллий сайл тунида АҚШ шаҳарларидаги хиёбонлар байрамона безатилади. Одамлар миллий сайл чоғида ажойиб томошалар ташкил этишади. Полициячилар ҳам ҳуморидан чиқиб, сайл қилади. Ҳатто шу куни пиво ҳам ичилмайди. Бир сўз билан айтганда, ҳақиқий кўнгилхушлик бўлади. Америкача бу байрам, афсус, бирор рекорд китобига кирмаган.

ЙИҚИЛГУНЧА ЕР ТЕПИШДИ

Эҳ, қайси қувончли кун мусиқа, рақссиз ўтаркан. Нидерландияликлар ўзларича қувончли кун «ясаш» учун «узун дастурхон» ёзмади, «ичкиликдан воз кечмади». Тонготар ўйин-кулгу туни — рақс байрамини ўйлаб топишди.

Роттердам шаҳрида бўлиб ўтган «рақс туни»га Нидерландиянинг турли бурчакларидан, ҳатто чет элдан 100 минг раққос-у, раққосалар келишди. Тунги қаҳвахона, дискоклубларда тонг отаргача минг турли, ҳар хил жанрдаги мусиқалар янгради. Садолардан қулоқ қоматга келди. Ҳеч ким нолимади.

Ашаддий ишқибозлар то ҳолдан тойиб йиқилгунча рақсга тушишди. Тонг бўзарганда эса ўйин майдончалари анча бўшаб қолди. Ахир қуёш ботгандан қуёш чиққунча ер тепинишнинг ўзи бўладими? Ўйинчиларга хизмат кўрсатишга сафарбар этилганлар эса, айниқса, барменлар «ер тепишда», официанткалар «пул қоқишда» ғолиб бўлишди. Қизиғи, улар ҳам тинмай рақс тушган. Айтишларича, «бели бақувват»лик уларни асраганмиш.

БЕГОНАГА ТИК БОҚМАНГ

Гайритабиий одамлар

Колумбиянинг Богота шаҳрида ғалати жиноятчидан одамлар юрак олдириб қўйишди.

Ўзини «Жони пес» дея таргиб қилаётган номаълум одам шу пайтгача 10 нафар кишининг ўлимига сабаб бўлган. Қотилнинг жиноят содир этишиям жуда ғайритабиий. Маълум бўлишича, у асосан 20-24 ёшдаги йигит-қизларга ҳамла қилади. Ҳамласи шунчалик қизиқки, ҳеч ким то жонига қасд қилмагунча қотилни танимайди, билмайди. Бемалол ёнма-ён кетавериши мумкин. Жон ўзи танлаган «рақиби»га тўппа-тўғри келади. Кўзларига тикилади. Агар йўловчи унинг таъқибли нигоҳига аҳамиятсиз кетса хўп-хўп. Агар... Ҳа, тикилиб қараса ёки сўз қотса тамом, Жони қўйнидан тўппончасини чиқаради-ю: «Одамлар ҳали мохов Жонни кўп эслашади» деб қичқиради-да, шўрликни пешонасидан «дарча» очиб кетаверади.

Хўш, «мохов – Жон» ким ўзи? Қилча гуноҳи йўқ одамлардан нима истайди? Полициянинг эксперт гуруҳи бу ҳақда маълумот тўплаяпти. Ҳозирча, балки бу кимса СПИДга чалингандир, руҳий касалдир, балки юз тубан ахлоқсизликка берилгандир дегандай турли тахминларни айтишяпти.

Полиция Жонни тутиш, ундан сақланиш учун одамларни огоҳлантиряпти. Ҳозирча муҳими, «тўғри келган бегонага тик боқмаслик» деяпти полициячилар. Боготанинг жанубий қисмида яшовчилар бемаҳалда дуч келганга тик боқмай, жиноятчидан сақланишяпти.

«ДАҲО» МУЧАЛЛАР

Ғалати рекордлар

Мучаллар ҳам даҳо ёки буюк бўладими? Одатда инсоннинг ақл-заковати уни буюкликка элтмайдими? Ёки қайси бурж остида туғилиш ҳам одамнинг келажагига даҳлдор бўла оладими? Қарама-қарши шундай саволлар туғилиши мумкин. Қачонки биров «даҳо мучаллар» бўлади, деган фикрни айтса, у ҳақми? Албатта, шундай фикрловчиларни мутлақо ноҳақ демоқчимасман. Ҳақиқлари шундаки, мозийга назар солинг. Фавқулодда қобилиятли одамлар кўпроқ қайси мучалда таваллуд топган?

Тарихни эсланг. Тождорларнинг кўпчилиги илон ёки тўнғиз йилида туғилишган. Илонлар — Мао Цзедун ва Гитлер, тўнғиз — Чингизхонларнинг ўтмишда тарих ғилдирагини ўз изига солишга урининганини ва бунга, қай бир жиҳатдандир эришганлигиниям биламиз.

Кўпгина кузатишларимизни Америкага таққослашга одатланиб қолганмиз чоғи. Майли, яна бир марта солиштирайлик-чи. Американинг 42 нафар президентининг беш нафари — Уильям Гаррисон, Авраам Линкольн, Бенжамин Гаррисон, Уильям Тафт ва Жон Кеннеди — илон, Томас Жефферсон, Жон Адамс, Эндрю Жексон, Жеймс Бьюкеен ва Рональд Рейган тўнғиз йилида, ёлғиз Жеймс Медисонгина қўй мучалида дунёга келгандир.

«Сичқон» бўлса «илон»ни қувиб етай деб қолганди. Улар тўртта — Жорж Вашингтон, Франклин Пире, Жимми Картер ҳамда Жорж Бушдир. Куриниб турибдики, илон ёки тўнғизни даҳо мучаллар деганлар кўпам янглишмаган экан-да.

Дунёдаги ҳамма тирик мавжудотлар назаримда «курашиб», «рақобатлашиб», «беллашиб» яшайди. Бу оддийгина менинг қарашим, ҳатто мучаллар ҳам ғалати «рекорд» қўйиб», бир-биридан «ўзишга» ҳаракат қиларкан. Ёки шунчаки тасодифмикан? Нима бўлганда ҳам даҳолар даҳо. Мучалларига келсак, ғалати бўлсаям рекорд-да, ахир.

Санда БОНУ

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 30 aprel, payshanba № 51 (22.288).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

ОЗОДЛИК ЧАНҚОҒИДА ДУНЁДАН КЎЗ ЮМГАН ОЛИМ, УСТОЗ ВА МУРАББИЙ

Фан ва маданиятнинг йирик сиймоларидан бири, академик Яҳё Ғуломов тоталитар тузумнинг барча азоб-уқубатларини тотган олимлардан бири эди. У 1908 йил 1 майда Тошкент шаҳридаги Оқмасжид маҳалласида, зиёли оилада туғилди. Отаси Ғуломхон махдум Тошкентдаги Хўжа Аҳрор мадрасасида мударрислик билан шуғулланган, ўқимишли ва билимли киши эди. У фарзандлари Эшонхон, Одилқори, Яҳё, Саидаҳмад, Акром ва Руқияларни ҳам билимга ошно қилиб ўстиришга уринди.

Яҳё ака 1917-1923 йилларда бошланғич мактабни битириб, Тошкентдаги эрлар билим юртида ўқиди. 1927 йилдан Самарқанддаги Ўзбек Давлат педагогика академиясининг ижтимоий ва иқтисодий фанлар бўлимида ўқишни бошлаб, тарих бўйича биринчи ўзбек профессори Бўлат Солиев ва бошқа таниқли олимларнинг маърузаларини тинглади. Ўз устида қаттиқ ишлади. Археология фанига бўлган қизиқишлари боис Самарқандда олиб борилаётган археологик қазув ишларида қатнашиб турди. Айни пайтда нодир маҳаллий қўлёзмаларни тўплаш ва ўрганиш билан шуғулланди.

«1929 йили мен ҳали студент эдим, – деб хотирларди Я.Ғуломов, – институтнинг профессори Б.Солиев, В.Вяткин ҳамда А.Фитрат ўзаро маслаҳатлашиб, институтда «Ўрта Осиё тарихи ва адабиёти» кабинети очиб, шунга мени ассистент қилиб тайинлашди. Кабинетга жуда кўп қўлёзма китобларни тўпладик».

Бинобарин, Яҳё ака машҳур А.Фитратдан ҳам таълим олган.

1929-31 йиллар мобайнида у аспирантурада ўқиди, 1931-32 йилларда Тошкент Педагогика техникумида дарс берди. 1933-40 йилларда Тарихий ёдгорликларни сақлаш ва илмий ўрганиш республика комитетида илмий ходим, сўнгра илмий котиб лавозимида хизмат қилди. У Сурхондарё ва Зарафшон археология экспедицияларида қатнашиб қадим замон тарихини ўрганди. Бу борада Яҳё аканинг 1936-1937 йилларда Хоразмдаги археология экспедицияларида юритган ишлари катта аҳамият касб этди. Ўрта аср қўлёзма манбалари асосида фанга номаълум бўлган айрим қадимий шаҳарларнинг қаердалигини ва номини белгилаб

Миллат буюклари

берди. У ўша вақтлардаги археологлар орасида қўлёзма манбаларни яхши билган ягона олим эди.

Забардаст олимнинг илмий фаолияти вақт ўтган сайин чуқурлашиб бораверади. Зеро, у 1940-43 йилларда собиқ СССР Фанлар академияси Ўзбекистон филиалининг Тарих, тил ва адабиёт институти қошидаги археология бўлимига раҳбар бўлиб, 1943 йилда «Хива ва унинг обидалари» мавзуида тарих фанлари номзоди илмий даражасини ҳимоя қилди. Шу равишда Яҳё ака сиймосида биринчи ўзбек археолог олими етишиб чиққан эди.

Яҳё ака 1943-77 йилларда, яъни умрининг охиригача Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг «Қадимги ва Ўрта аср тарихи» бўлимига бошчилик қилди. 1956 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги этиб сайланди. 1956-59 йилларда Тарих ва археология институти директори лавозимида ишлади.

Академик Яҳё Ғуломовнинг кўп қиррали ва самарали фаолиятини қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин.

Биринчидан, бу «устаси фаранг» археолог бошчилигида Ўзбекистоннинг ибтидоий давр тарихи бўйича Зарафшон, Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент воҳаларида махсус экспедициялар ташкил этилиб, қазиш ишлари олиб борилди. Натижада неолит, энеолит ва бронза даврларига оид қимматли илмий ишлар нашр этилди.

Яҳё ака Ахсикент, Қува, Афросиёб, Хива ва бошқа қадимий шаҳарларнинг тарихини ўрганиш ва оммалаштиришга ҳам улкан ҳисса қўшди. Асрлар мобайнида ер қаърида кўмилиб ётган шаҳарлар ва тарихий обидаларга бамисоли жон киргизилди.

Олим ўз хонадонида ҳам археология дарди билан яшарди. Уйи «археология базаси» ҳисобланиб, экспедицияга нимаики зарур бўлса, барчаси сақланарди. Айни пайтда бу хонадон археологлару тарихчилар учун тўпланиб илмий суҳбат ва мунозаралар утказадиган жойга айланиб кетган эди. Ҳатто бошқа шаҳарлардан келган шогирдларини ҳам оиласи билан хонадонига олиб келиб қўярди.

Маълумки, Туркистоннинг табиий шароитига кўра, сунъий суғориш ҳаётмомотни ҳал этувчи муҳим омиллардан ҳисобланган. Унинг ҳолатига қараб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ўсиш даражаси белгиланган. Шу боис олим лар нашр этилди.

Яҳё ака Ахсикент, Қува, Афросиёб, Хива ва бошқа қадимий шаҳарларнинг тарихини ўрганиш ва оммалаштиришга ҳам улкан ҳисса қўшди. Асрлар мобайнида ер қаърида кўмилиб ётган шаҳарлар ва тарихий обидаларга бамисоли жон киргизилди.

Олим ўз хонадонида ҳам археология дарди билан яшарди. Уйи «археология базаси» ҳисобланиб, экспедицияга нимаики зарур бўлса, барчаси сақланарди. Айни пайтда бу хонадон археологлару тарихчилар учун тўпланиб илмий суҳбат ва мунозаралар утказадиган жойга айланиб кетган эди. Ҳатто бошқа шаҳарлардан келган шогирдларини ҳам оиласи билан хонадонига олиб келиб қўярди.

Маълумки, Туркистоннинг табиий шароитига кўра, сунъий суғориш ҳаётмомотни ҳал этувчи муҳим омиллардан ҳисобланган. Унинг ҳолатига қараб сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ўсиш даражаси белгиланган. Шу боис олим каби шаҳарлар тарихига, Ўзбекистон тарихининг бошқа масалаларига бағишланган ишлари ҳам диққатга сазовор.

Олимнинг масъул муҳаррирлиги остида қатор илмий асарлар дунё юзини кўрди. У шахсан менинг «Ўрта Осиё ва Сибирь», «Ўрта Осиё ва Волга бўйлари», «Ўрта Осиё ва Урал бўйлари» ҳамда «Ўзбеки Сибири» сингари асарларимнинг масъул муҳаррири сифатида катта ёрдам берди. Камина ҳам Яҳё аканинг бой билимидан, меҳрибонлиги ва дўстона муносабатидан ҳамиша баҳраманд бўлганман. Кўп йиллар мобайнида у билан ёнма-ён бирга ишладик ва мустаҳкам дўстона муносабатда бўлдик.

Олим Тошкент Давлат педагогика институтида ва бошқа олий ўқув юртларида ҳам ишлаб кўплаб тарихчи мутахассисларни тайёрлашда фаол қатнашди. У тарих ва археология институтларининг асосчиларидан бири эди.

Учинчидан, Яҳё аканинг ҳаёти силлиқ ва бир текис ўтмади. Авваломбор, отиб ташланган «халқ душманининг» укаси сифатида «қора хат»га тушган эди. Бундан ташқари, у археология объектларини бузиш ҳисобига экин майдонларини, хусусан, пахта майдонини кенгайтиришга ошкора қарши чиқиб, бир неча бор партия ва совет раҳбарлари билан тўқнашди. Ҳатто бундай адолатли ва фойдали кураши учун республика бўйича уюштирилган бир нуфузли йиғилишда қаттиқ қораланди ҳам. Уни матбуотда фельетон қилишга даъват этган кишилар топилди. Мазкур йиғилишда олимга қарши очиқдан-очиқ ҳужум уюштирилди. Бунинг устига Археология институтининг Самарқандга кўчирилиши муносабати билан 40 дан ортиқ археологлар турли жойларга тузиб кетганлиги Яҳё аканинг соғлигини емириб борди (ҳатто бундай археологлар орасида касбини ўзгартириб КПСС тарихи ва бошқа соҳалар бўйича ишга кирган кишилар бор эди). Кўп йиллар мобайнида катта қийинчиликлар билан етиштирилган археологларнинг тутдек тўкилиши устозни ларзага солганлигига гувоҳман. Умуман айтганда, Яҳё ака ўзига нисбатан қилинаётган адолатсизликдан ғоятда қийналди. Кунларнинг бирида сирдош бўлганлигимиз туфайли менга «Золимлардан ва зулмдан қачон қутиламиз?» деб хитоб қилди. Яҳё ака тарихчи олимлар орасида коммунистик партияга кирмаган ягона киши эди. Уни кўпинча, «апалитичныйлик»да, яъни «сиёсий кўрлик»да айблашардилар. Аслида эса унинг сиёсий онги ва қараши баланд бўлиб, партияни ёқтирмас эди.

Минг афсуслар бўлсинки, машҳур олим, устоз ва мураббий Яҳё ака ҳамиша озодлик ва эркинлик орзуси билан яшади. Бироқ, уни кўра олмай 1977 йилда оламдан ўтди. Аммо, Оллоҳга минг қатла шукрлар бўлсинки, унинг издошлари – бизлар мустақиллик ва озодлик гаштини сурмоқдамиз.

Умуммиллат тараққиёти учун курашган академик Яҳё Ғуломов хотираси ва миннатдор халқ қалбида мустаҳкам сақланмоқда.

Ҳамид ЗИЁЕВ,
профессор

«XXI АСР. ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚБОЛИ»

ДИҚҚАТ!

«Ўзбекистоннинг XXI аср бошидаги истиқболи замонамиз Улуғбеклари тасаввурида» республика ижодий иншо кўрик-танловидан

ЧЕТДА ҚОЛМАНГ!

Келгусида мамлакатимизда оила ҳаёти қандай бўлади? Боғча, мактаб, институт, умуман, ўзингиз яшаётган жой (қишлоқ, овул, маҳалла, шаҳар)-чи?

Инсон ва коинот муносабатларида, автомобиль, транспорт, телекоммуникация, алоқа ва бошқа соҳаларда қандай мўъжизалар кутяпсиз?

XXI асрнинг энг буюк кашфиёти-ю энг кескин муаммоси борасида қандай хаёлдасиз?

Биз жаҳон цивилизациясига нималар қўшамизу Орол денгизимизнинг тақдири нима кечади?

Келгуси ҳаётдаги одам ва олам муносабатлари, ундаги ўз ўрнингиз ҳақида тасаввурга эгамисиз?

Танловда қатнашиш учун ушбу саволларга жавоб ёки Ватанимизнинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-маданий, маърифий, илмий-техникавий тараққиётининг XXI аср биринчи чораги давридаги манзараси ифодаланган иншоингизни жамиятимизнинг эртанги кунини тасвирлаб берувчи лойиҳа, чизма, меъморчилик, тасвирий санъат асарлари, шеърий, насрий асарлар (улар эълон қилинмаган бўлиши лозим) билан бирга танлов ҳайъатига шу йилнинг 30 июнига қадар тақдим қилсангиз, кифоя.

Иншони ўзингизга таниш, тасаввурингизда тиниқ акс этган нарса, ходиса, воқелик, манзара ҳақида ёзсангиз ҳамда у қўлёзмада 10 саҳифадан ошмаса, ғолиб бўлдим деяверинг. Бундай иншолар соҳиблари Улуғбек жамғармаси бошқарувига таклиф қилиниб, якуний тадбирда қатнашадилар.

Танлов ғолиблари Улуғбек жамғармаси Фахрий ёрлиқлари ва

биринчи ўрин учун – 25 минг сўм,
иккинчи ўрин учун – 20 минг сўм,
учинчи ўрин учун – 15 минг сўм

пул мукофотлари билан тақдирланадилар ҳамда Улуғбек жамғармаси ва Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда Янги йил арафасида махсус ташкил этиладиган кўрсатувга таклиф қилинадилар.

Энг яхши иншолар, саволларга жавоблар «Ўзбекистон овози» газетасида эълон қилинади.

Муносиб топилган энг яхши ижодий ишлар (саволларга жавоблар, лойиҳа, макетлар, тасвирий санъат асарлари) муаллифининг таржимаи ҳоли билан биргаликда махсус тўплам тарзида чоп этилади.

Танлов ташаббускорлари бўлган Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси ҳамда «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида илгари сурилган ғоялар ва қоидалар мазмунини истеъдодли ёшлар онгига етказиш, уларнинг ғайрат-шижоатини давримизнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга, яратувчиликка йўналтириш, интеллектуал салоҳиятини оширишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 700027. Фурқат кўчаси, 1-уй, 5-қават. Маълумот учун телефонлар: 45-28-48, 45-26-45, 45-96-96.

Муаллифнинг исм-шарифи, туғилган вақти ва манзили аниқ кўрсатилиши керак.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб – «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб – «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти – 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ – 133-07-20, 136-54-35.
Иқтисодиёт – 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият – 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар – 133-76-04.
Ахборот ва спорт – 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт – 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими – 133-07-20.
Реклама ва эълонлар – 133-38-55, 133-47-80.
факс– 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда – 25-16-16;
Бухорода – 23-51-40;
Гулистонда – 25-16-22;
Жиззахда – 3-29-44;
Навоийда – 3-39-20;
Наманганда – 6-43-43;
Нукусда – 7-58-83;
Самарқандда – 35-20-54;
Тошкентда – 133-76-04;
Урганчда – 6-51-35;
Фарғонада – 24-54-61;
Қаршида – 3-25-79;
Қумқўрғонда – 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-ЎЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи А. ҲАЙДАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А–2 форматида, 36136 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г – 01119

Босишга топшириш вақти–21.00. Топширилди – 22.10.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Спорт

ДУНЁ ТОМИДА БАЙРОҒИМИЗ ҲИЛПИРАР

Ер юзидаги тоғларнинг энг баланд чўққиси ҳисобланган Эверестни забт этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Ватанимиз альпинистлари мустақилликнинг етти йиллигига бағишланган ғолибона бу юришнинг муваффақиятли бўлиши учун барча имкониятлардан фойдаланишга интилмоқдалар. Экспедиция раҳбари Анатолий Шабановнинг хабарига қараганда, ишлар белгиланган режага кўра давом этяпти. Забткорлар Деҳлидан автобусда Непалнинг Катманду шаҳрига келдилар. Бу ерда уларни қийин йўлларда ҳам «ўрмаловчи» джип машиналари кутиб турарди. Альпинистлар Хитойнинг Займо аҳоли пунктига етиб келишганда улар денгиз сатҳидан 5 минг 400 метр юксакликка кўтарилишгани аён бўлди. Сўнг улар 6 минг юз метрлик маррада нафасни ростлаб, 7 минг метр баландликка кўтарилишди. Бу ерда чодирлар тикиб, иқлимга мослашиш бошланди. Энди асосий вазифа зарур асбоб-анжом ва кислород балонларини 8 минг метрли чўққига олиб чиқишдан иборат. 12-25 май кунлари асосий марра — Эверестни забт этиб, энг баланд чўққига байроғимизни тикиш мўлжалланган.

ЯГОНА ПЕШҚАДАМ

Миллий футбол чемпионатида пахтакорчилар, навбаҳорчилар, фарғоналиклар, жиззахликлар ва бухороликлар пешқадамлик қилаётирлар. Хусусан, пахтакорчиларнинг «Металлург» майдонида (3:0) ғалаба қозонишлари ўйинлар жадвалидаги пешқадамликни таъминлади. Навбаҳорчилар эса «Сўғдиёна» билан сафарда ўйнаб, имкониятни (1:3) бой бериб қўйишди. Фарғоналиклар «Трактор» жамоасини (4:1) енгишди. Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Хоразм» — «Зарафшон» — 2:0, «Сурхон» — «Косонсой» — 4:0, «Темирйўлчи» — «Насаф» — 1:0, «Андижон» — «Дўстлик» — 2:2, «Бухоро» — МҲСК — 2:2. Шанба куни саккизинчи тур ўйинлари бошланади. Бу сафар «Пахтакор» — «Трактор», «Навбаҳор» — «Бухоро», «Дўстлик» — «Нефтчи» учрашувларининг қизиқарли бўлиши кутилянти.

ИЛМИЙ - АМАЛИЙ АНЖУМАН

Тошкент Давлат авиация олийгоҳида «Авиакоинот техникасини яратиш ва ундан фойдаланишда илғор технология ҳамда усуллар» мавзуида учинчи республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда олийгоҳнинг ўқитувчилари, аспирантлар ва талабалар иштирок этишди. Авиакоинот саноатининг турли йўналишлари бўйича В.П.Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Норма» илмий-тадқиқот маркази ходимлари маъруза қилишди. Уч кун давом этган анжуман кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Флора ФАХРУДДИНОВА

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника университети ректорати, профессор-ўқитувчилар ва лицей жамоаси шоир Абдулла Ориповга падари бузруквори **Ориф ота УБАЙДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Сирли мутолаа. **Абдулғани ЖУМА олган сурат**

ИЛМЛИ ЙЎЛДАН АДАШМАС

Дунёвий тараққиёт сари

Дунёвий ва диний билимлардан бохабар инсонни эътиқодидан қайтариш, йўлдан чалғитиш осон кечмайди. Ваҳҳобийлар эса, халқ ибораси билан айтганда дунё бехабар одамларни йўлдан уришга интилмоқдалар. Албатта, на ислом арконларини, на замонавий билимлардан бехабар бўлган кишиларни турли фикрлар билан чалғитишга уриниш осон кечади. Раҳмдиллик, поклик, ҳалоллик, қолаверса, меҳнатсеварликка асосланган динимизни ўзига хос ислоҳ қилиб, фақат художўйликка ёпишиб олган ваҳҳобийлик ҳаракатининг биз учун ёт қарашлари Ватанимиз нуфузига соя ташлашдан бошқа нарса эмас. Ўйлайманки, Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси муҳокамасига қўйилган виждон эркинлиги ва диний қарашлар ҳақидаги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини йиғилишимизда давра қурганлар бир овоздан маъқуллайдилар.

Таниқли хонанда Орифҳожи Алимахсум ўғлининг маҳалладошлар даврасида айтган бу сўзлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Тошкентнинг 144-мактаб залига тўпланганлар орасида Яккасарой туманининг 17 маҳалласидан вакиллар бор эди. Йиғилишда шунингдек, «Ракат» масжиди имом ҳатиби Абдуллаҳожи, туман «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Зиёд Давронов, туман ҳокимининг биринчи муовини Нурулло Насимовлар ҳам виждон эркинлигига нисбатан ёт қарашлар, фарзандлар тарбияси, истиқлол, Ватанимизга меҳр-муҳаббат, қадриятларимизни авайлаб-асраш, ён-атрофимизда бўлаётган воқеаларга нисбатан ҳамиша ҳушёр бўлиш ҳақида мулоҳаза билдирдилар.

Зафар УМАРОВ

«ПФАЙЗЕР» ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимиз пойтахтида жаҳонга машҳур «Пфайзер Инк» (АҚШ) кимё фармацевтика компаниясининг ваколатхонаси очилди. Бизнес оламининг таниқли «Fortune» журнали ўтган йили эълон қилган иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги дунёдаги етакчилар рўйхатидан ана шу компания ҳам ўрин олган. Бу бежиз эмас. Зеро, бунда компаниянинг янгиликка интилиши, бошқарувдаги умумий сифатлар, ривожланиш учун узоқ муддатли сармоялар сарфлаётгани, ишлаб, чиқарилган маҳсулотлари ва кўрсатилаётган хизматларининг юқори сифатлилиги, жамият олдидаги ўта масъулияти ва ҳоказолар ҳисобга олинган. Кўриниб турибдики, жаҳоннинг турли бурчакларида ўз филиаллари ва офисларига эга бўлган ва энг самарали дори-дармонлар ишлаб чиқараётган Американинг нуфузли ва обрўли фирмаси Ўзбекистонда ҳам ўз фаолиятини бошламоқда.

Фирма Ўзбекистон бозорига умидбахшлик билан қарамоқда. Шу боис, «Пфайзер»нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси очилишига бағишланган маросимда иштирок этиш учун компания раҳбарияти вакиллари Вильям Уг О Коннор, Курт Ханс Хаан ва Илья Степановдан иборат делегация Тошкентга ташриф буюрди. Улар компаниянинг Марказий Осиё минтақасидаги фаолияти бўлғуси авлод ва оналик саломатлигини муҳофазалаш ишига янги омил бахш этишига умид қилишларини таъкидладилар. Айтгандек, компаниянинг 14та бактериал инфекцияни даволовчи «Трован» антибиотиги, кексаликда учрайдиган хотира пасайишига олиб келувчи алцгеймер хасталигини даволашда қўлланадиган «Арицепт», қонда холестерин даражасини камайтирувчи «Липримар» ва эркаклардаги қувват камайишини даволаш учун мўлжалланган «Виагра» дори-дармонлари мамлакатимизда рўйхатдан ўтиш босқичида турибди.

Алишер РЎЗИЕВ

СУРАТДА: «Пфайзер» вакиллари делегацияси.
Эрист КУРТВЕЛИЕВ олган сурат